
Эзгу ташаббус рўёбида “Агробанк” Ўзбекистон филиалининг муносиб ҳиссаси

Аввал [хабар берганимиздек](#), Президентимиз томонидан илгари сурилган эзгу ташаббуснинг амалий ижроси сифатида “Саховат ва кўмак” жамғармаси Ўзбекистон туман бўлинмасининг ҳисоб рақамлари очилган.

Бу эзгу амал, янги ташаббусни туманимиздаги кўплаб тадбиркор ва фермер хўжаликлари, муассасалар қўллаб-қувватлаб, карантин даврида баҳоли қудрат қийин шароитдаги оилаларга беғараз ёрдам кўрсатишда ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Хусусан, куни кеча туманимиздаги Акциядорлик тижорат "Агробанк" Ўзбекистон филиалининг ишчи-ходимлари ўз хоҳиш иродалари билан ташаббус кўрсатиб, беш кунлик иш ҳақларини- 20 000 000 (йигирма миллион) сўм миқдорида “Саховат ва кўмак” жамғармасининг ҳисоб рақамига ўтказиб беришди.



Банк жамоаси ўзининг бу саховати билан Муқаддас Рамазон ойида халқимизга хос ҳақиқий меҳр-оқибатнинг намунасини яна бир карра кўрсата олди. Ва яна шуни таъкидлаш жоизки, Агробанкнинг бундай эътибор ва мададини тумандаги кўмакка муҳтож инсонлар ўз ҳаётида, турмушида чуқур ҳис этишади, албатта.

Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгаши, туман ҳокимлиги ҳамда хайриялар йўналтириладиган оилалар номидан айна долзарб ва ўз ўрнида кўрсатилган бундай ташаббус учун, банк раҳбарияти ва ходимларига чуқур миннатдорчилик билдиради.

Шу ўринда эслатиб ўтмоқчимизки, ҳукумат [фармойиши](#)га асосан жамғарма ҳисоб рақамларига келиб тушадиган маблағлар коронавирус пандемияси ва карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қарияларга, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган жисмоний шахсларга пул маблағлари, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш учун ишлатилади.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-04-26 15:15:41